

"Қизилқум фосфорит комплекси" масъулияти чекланган жамиятида хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раислигига сайлов ўтказилди

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/manaviyat/tilimiz-boyligimiz/qizilqum-fosforit-kompleksida-xotin-qizlar-boshlan-gich-tashkiloti-raisligiga-saylov-utkazildi>



"Қизилқум фосфорит комплекси" масъулияти чекланган жамиятида хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш мақсадида жорий йилнинг 21 июнь куни МЧЖ директори Фаррух Самадов ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси – хотин-қизлар кенгаши раиси Санобар Абдурахманова бошчилигида хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раислигига сайлов ўтказилди. Очiq овоз бериш йўли орқали ўтказилган сайловда уч нафар номзодлар ичидан Содиқова Насиба Халиловна хотин-қизлар кенгаши раислигига сайланди.

